



Қувончбек Тўраев олган сурат

«Ишонч телефони» ИШОНЧНИ ОҚЛАЯПТИ

Зулфия жуда қийналиб қолди. Бирор жойда ишлай деса фарзанди ҳали ёш, боз устига, кекса онаси бор, уни ёлғиз ташлаб кетолмайди. Шунга қарамай, мавсумий ишга чиқишга мажбур бўлди.

Ҳар қанча тиришмасин, камчиликларини бутлай олмайди. Топгани ейиш-ичишдан ортмайди. Қийинчиликлар эса тугай демасди. Бир неча марта ҳокимликдан ёрдам сўради. Лекин фойдаси бўлмади.

Бир куни «Ишонч телефони»дан хабар топди. Шу заҳоти 1211 га сим қокди. Унинг мурожаати тегишли тартибда ўрганиб чиқилди. Шахсини тасдиқловчи ҳужжати янгиланди. Шунингдек, вояга етмаган фарзандига нафақа тайинланди.

Амударё туманида истиқомат қилувчи Соҳиба Пирметова ҳам муаммолар гирдобига тушиб қолганлардан. Оиласи бузилган. Турмуш ўртоғи алимент тўлашдан бош тортган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли 1211 «Ишонч телефони»га қилган мурожаати натижасида алимент тўлови тўлиқ ундириб берилди.

– Оилавий аҳолим ҳамма қатори, – дейди Соҳиба Пирметова. – Ажрашгач, собиқ турмуш ўртоғимдан фарзандимиз таъминоти учун моддий ёрдам сўрамадим. Ўзи ҳам жим кетди. Қизим вояга етиб қолди. Унинг таълими ва қўшимча тайёрлов курслари учун пул топиш осон бўлмапти. Шулардан келиб чиқиб, алимент ундириш бўйича ариза ёздим, аммо бундан бирон-бир наф чиқмади, ҳатто МИБнинг аралашуви ҳам натижа бермади. Шундан сўнг 1211 га кўнги-роқ қилдим.

Муаммоларга ечим бўлаётган мазкур тизим ҳали қанча кўнги-роқларга йўл топиб, халқимиз ишончини оқлаши, шубҳасиз.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг эшиги мурожаатчилар учун доимо очиқ. Йўлланган ҳар бир шикоят тегишли тартибда ўрганилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Касаба уюшмаси масъулларининг асосий мақсади ҳам шу аслида.

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Масалан, ўтган олти ой мобайнида вилоят кенгашига корхона ва ташкилотларда банд бўлган ходимлардан 180 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 135 таси бўйича ҳуқуқий кўмак кўрсатилиб, 467 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланди.

Шунингдек, шикоятларнинг 34 таси бўйича тегишли тушунтиришлар берилди. Ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб, иш берувчиларга 18 та тақдимнома киритилди. Шундан 16 таси ижобий ечим топди.

Шу давр мобайнида судларга 48 та даъво аризаси киритилди. Бунинг натижасида, ходимлар фойдасига 1 миллиард 744 миллион 711 минг сўм (мажбурий прогул кунлари учун, ўз вақтида тўланмаган иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган, солиғига етказилган зарар учун тўловлар) маблағ ундирилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Фарғона вилояти кенгашининг
муурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси



НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР БЎЛДИ

Хатамбек Раҳмонов 2023 йилнинг 1 мартдан Асака туманидаги 53-умумтаълим мактабида ишлаб келаётган эди. Аммо «меҳнат шартномасининг муддати тугади», деган ваз билан директор уни ишга қўймади.

Ходим директорнинг устидан тегишли тартибда судга мурожаат қилди. Бунда Ҳ.Раҳмоновга касаба уюшмаси кўмаки бўлди. Маълум бўлишича, ходим ноқонуний равишда ишдан бўшатилган. Хусусан, у билан тузилган меҳнат шартномаси тегишли буйруқ билан бекор қилинмаган. Боз устига, шартнома муайян муддатга тузилишининг ўзи нотўғри.

Суд иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасини номуайян муддатга тузилган, деб ҳисоблади ва Ҳ.Раҳмоновни ишга тиклаш ҳақида қарор чиқарди. Шунингдек, мажбурий прогул кунлари учун иш берувчидан ходим фойдасига 733 минг 642 сўм иш ҳақи ундирилиши белгиланди.

Ҳабибилло УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Андижон вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ
инспектори

ҲАМШИРАНИНГ ҲАҚИ ҚАЙТАРИЛДИ

Ҳазорасплик Зухражон Боғибекова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига иш ҳақини ололмаётгани бўйича шикоят қилди.

Унинг мурожаати асосида масъуллар ишга киришиб, сўраб-суриштиришди. Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси билан ходим ўртасида 2023 йил 29 августда меҳнат шартномаси тузилган. Бирлашма бошлигининг 2024 йил 15 апрелдаги буйруғи билан туғуруқ таътилига кетган бошқа ходимнинг ўрнига ишга ўтказилган. Бироқ унга март, апрель, май ойлари учун иш ҳақи тўланмаган.

Ўрганиш натижалари асосида Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига ёзма кўрсатма киритилди. Шундан сўнг, ходимга уч ойлик иш ҳақи, яъни 7 миллион 580 минг 685 сўм тўлаб берилди.

Расулбек АЛЛАБЕРГАНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



КАСАБА УЮШМАСИДАН МИННАТДОРМИЗ

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР
КЕНГАШИ «ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ
САЁҲАТ ҚИЛ!» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА
САЁҲАТ УЮШТИРДИ.**

– Тизимда меҳнат қилаётган ходимларнинг маданий ҳордиқ олишлари, тарихий жойлар билан танишишлари учун ушбу тадбирни ташкил этдик, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гулназа Тошпўлатова. – Хусусан, Бухоро вилоятига 35 нафар, Хоразмга 54 нафар ходим саёҳатга боришди.

– 50 нафардан зиёд тиббиётчи Хоразмда бўлиб, олам-олам завқ олди. Бунинг учун жамоамиз номидан ташкилотчиларга миннатдорлик билдираемиз, – дейди Республика ОИТСга қарши курашиш маркази касаба уюшма кўмитаси раиси Қодиржон Аббосов.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»

Қовун «қалъа»
қанчалик ўзини
оқлайди?

3-саҳифада ўқинг...



Спорт
нимага
керак?

4-саҳифада ўқинг...



Савол: Кўпчилик иш берувчилар ваколати доирасидаги вазифаларга совуққонлик билан қарайдиган ходимни ишдан бўшатмоқчи бўлса, унга нисбатан кетма-кет интизомий жазо қўллашади. Хўш, бу қанчалик тўғри, шундай қилиш шартми?

Аминжон НЕҒМАТОВ
Сирдарё вилояти

Жавоб: – Ҳақиқатан ҳам, кўпчиликда интизомий жазолар кетма-кет қўлланилиши шарт, деган нотўғри қараш бор. Яъни биринчи марта интизомий қилмиш содир қилган шахсга ҳайфсан, сўнг жарима ва низоят, меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Аслида тегишли қонунчиликка биноан интизомий жазоларни кетма-кет қўллаш шарт эмас. Уни қўллашда содир этилган қилмишнинг оғир-енгиллиги, ҳолати, ходимнинг аввалги иши ва ҳуқ-атвори ҳисобга олиниб, битта интизомий жазо билан масалани ҳал қилиши мумкин.

Савол: Ходимга иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида жарима қўллаша бўладими?

Эркабек ТЎЛҚИНОВ
Тошкент вилояти

Жавоб: Жарима ходимнинг асосий (базавий) иш ҳақидан эмас, балки ўртача ойлик иш ҳақидан ушланади. Меҳнат кодексининг 312-моддасига кўра, ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган

Йиғилиш

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгашида кенгаш аппарати ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари, бирлашган кўмиталар раислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Федерациянинг Меҳнат инспекцияси бошлиғи, Федерация раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев бошқариб, касаба уюшмалари ташкилотларида мурожаатлар билан уюшаш бўйича янги тартиб йўлга қўйилгани, шунга асосан, вилоят кенгашида бош мутахассис лавозим жорий этилиши, тизимда фуқаролар мурожаатлари йўналишидаги ишлар тизимли ташкил этилиши юзасидан сўз юритди.

Федерация ишчи гуруҳининг мазкур йўналишда Бухоро вилоятидаги ўрганишлари натижаси ҳақида маълумот берилиб, амалга оширилган ишлар эътирофидан сўнг мустақилликнинг 33 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш, бу борада тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳамда маънавий-маърифий йўналишдаги фаолият муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Йиғилишда мамлакатимиз касаба уюшмаларининг 120 йиллигини нишонлаш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федера-

циясида чора-тадбирлар ишлаб чиқиляётгани, бу ишга бош қўшиш барчанинг муҳим вазифаси экани алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўйилгани айтиб ўтилган тадбирда бу ишлар самарадорлигини ошириш учун махсус тайёрланган инспекторлар мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги юзасидан тарғибот ишларини кучайтириши зарурлиги қайд этилди.

Ушбу масала юзасидан сўзга

чиққанлар, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича вилоят фаоллари учун ўқув-семинар ташкил этилиши, касаба уюшмаларининг жойларда мониторингда иштирок этиши бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят кенгаши раиси М.Олимов ўз фикрларини билдирган йиғилишда масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Савол: Интизомий жазоси бор ходимга байрам муносабати билан мукофот пули берса бўладими?

Икром ТОЙРОВ
Андижон вилояти

Жавоб: – МКнинг 299-моддаси 5-қисмига кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати ичида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотлар (байрамлар, шу жумладан, касб байрамлари, юбилейлар муносабати билан ва ҳоказолар) қўлланилмайди.

Муҳим эслатма шундаки, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотлар ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотларни чалкаштирмаслик лозим!

МКнинг 252-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофот ходимни олдиндан белгиланган кўрсаткичлар ва шартларга эришишга ундаш мақсадида иш ҳақининг таркибига киритилган ҳамда ходимга асосий маошидан (тариф ставкасидан) ташкари тўланадиган пул мукофотидир. Яъни агар ташкилотнинг мукофотлаш ҳақидаги тегишли низомларида алоҳида қоида белгиланмаган бўлса, интизомий жавобгарликка тортилган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар, устамалар тўланади.

Савол: Интизомий жазо қўлланилишидан аввал хизмат текшируви ўтказиш, тушунтириш хати ва тилхат олиш шартми?

Икромжон СОЛИЕВ
Поп тумани

Жавоб: – Ҳар қандай ҳолатда иш берувчи интизомий жазо қўлланилишидан аввал хизмат текшируви ўтказишга мажбур эмас. Меҳнат кодексининг 303-моддасига кўра, хизмат текшируви ўтказиш иш берувчининг ҳуқуқи ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 344-моддасида ходимлар томонидан етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин иш берувчи етказилган зарар миқдори ва келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун ушбу кодекснинг 302-311-моддаларида назарда тутилган тартибда хизмат текшируви ўтказиши ва интизомий қилмиш аниқланса, тушунтириш хати талаб қилиши шарт.

Савол: Яқинда менга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди. Уни қанча муддатда олиб ташласа бўлади? Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

Азиз ХАЙДАРОВ
Бухоро вилояти

Жавоб: – Иш берувчи интизомий жазони ўз ташаббуси, касба уюшма кўмитаси ҳамда ходимнинг илтимосига кўра, бир йил мобайнида муддатидан олдин олиб ташлаши мумкин. Бу раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилиши керак (МКнинг 315-моддаси).

Қисқаси, интизомий жазони олиб ташлаш учун маълум бир муддат, масалан, 3 ёки 6 ой белгиланмаган. Иш берувчи жазони ис-талган вақтда олиб ташлаш ҳуқуқига эга.

тиш шаклларида қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартиби намунавий қоидаларининг 3.10-бандига кўра, ходимларга меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жавобгарликдан ташқари, локал ҳужжатлар билан бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилиши мумкин (мукофотдан, йиллик иш якунига кўра бериладиган қўшимча рағбатлантириш тўловларидан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш).

тиш шаклларида қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартиби намунавий қоидаларининг 3.10-бандига кўра, ходимларга меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жавобгарликдан ташқари, локал ҳужжатлар билан бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилиши мумкин (мукофотдан, йиллик иш якунига кўра бериладиган қўшимча рағбатлантириш тўловларидан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш).

Умуман, мукофотдан маҳрум қилиш – интизомий жазо тури эмас, балки ходимга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чорасидир.

Демак, агар меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бўлса, ходимга ҳам интизомий жазо қўллаб, ҳам интизомий жазо ҳисобланмайдиган таъсир чораларини қўллаш мумкин.

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Мурожаатлар билан ишлаш шўба мудири Гузалья РЗАЕВА жавоб берди.



ГЕНДЕР ТЕНГЛИК НЕЧОҒЛИ АҲАМИЯТЛИ?

Айни пайтда Тошкент вилоятида 169 нафар аёл фермерлик билан шуғулланади. Улар юзлаб хотин-қизларни иш билан таъминлашган. Хўш, қишлоқ хўжалигида гендер тенглик масаласи нечоғли муҳим аҳамият касб этади? Умуман, мазкур йўналишда вилоятда қандай ишлар амалга оширилмоқда ва яна нималарга қўл урилмоғи лозим?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Файзиёва, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси М.Қодирхонова ҳамда бошқа масъуллар гендер тенгликни таъминлаш бўйича ташланган муҳим қадамлар, хусусан, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, салоҳиятли раҳбар аёллар сонини кўпайтириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасининг гендер жиҳатлари ҳамда Тошкент вилоятида бу борада олиб борилаётган ишларга тўхталишди.

– Гендер тенгликни, аввало, тўғри тушуниб олиш керак, – дейди Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси М.Қодирхонова. – Бу аёлларнинг ҳуқуқлари ҳақида эмас, балки эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашга қаратилган сиёсат. Кўп ҳолларда ушбу тушунчага нотўғри ёндашиш оқибатида баъзи оилаларда келишмовчиликлар ҳам юз бермоқда. Аёл киши қандай масъул лавозимда бўлмасин, уйга қайтгач она, рафиқа

ва келинлигини унутмаслиги керак. Ана шундагина жамиятда гендер тенглик тўғри таъминланади ва ривожланади.

Тадбирда Тошкент вилоятидаги Гендер тенглик комиссиясининг фаолияти, эришилаётган натижалар, келгуси режалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, жамоа шартномасининг аҳамияти ва бошқа масалаларга доир маърузалар тингланди.

– Қишлоқ хўжалигида гендер тенглик муҳим аҳамият касб этади, – дейди қишлоқ хўжалиги вазирининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат кенгаши раиси Д.Имомова. – Ҳозир аукцион орқали шаффоф тизим йўлга қўйи-

либ, мутлақ тенглик таъминланган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган аёллар кўплаб марраларга эришмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш орқали фаоллар сафини кенгайтириш асосий вазифаларимиздан биридир.

Семинарда иштирокчилар Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилаётган «Раҳбар аёллар мактаби» лойиҳаси доирасида аграр йўналишда ҳам ўқув курсларини ташкил этиш, «Гендер тенглик фаоли» кўрик-танловини ўтказиш таклифларини илгари суришди. Тадбир нихоясида мавзуга дахлдор саволларга батафсил жавоблар берилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

КОВУН «ҚАЛЪА» АНЧАЛИК ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИ?

◆ Фестивалдан сўнг...



9-11 август кунлари Хивадаги Ичан қалъа мажмуасининг «Полвон» дарвозаси олди ва «Аллея» майдонида халқаро «Қовун сайли» фестивали бўлиб ўтди.

Тадбир мамлакатимизнинг энг ширин қовунлари ва бошқа полиз маҳсулотлари, мева-сабзавотларини жамлагани билан эътиборга молик. Республикаимизнинг ҳар бир вилояти, воҳанинг ҳар бир тумани учун алоҳида павильонларда қовуннинг 125 га яқин нави ва ундан тайёрланган маҳсулотлар намоиш этилди.

Сайил давомида меҳмонлар концертлар, фольклор жамоалар дастурлари, кўғирчоқ театри томошалари, миллий либослар кўргазмалари, тасвирий санъат асарлари ва хунармандчилик маҳсулотларидан ҳам баҳраманд бўлишди. Айниқса, фестивалнинг иккинчи куни Ўзбекистон халқ артисти Женисбек Пиязовнинг жонли ижродаги концерт дастури маҳаллий ва хорижий сайёҳларни мафтун қилди. Тадбирнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳам самимий, кўтаринки руҳда ўтди. Ўзбек ва турк санъаткорларининг гўзал тароналари байрам шукухини оширди.

Маълумотларга кўра, мезбон вилоят деҳқонлари сайилда 1000 тоннага яқин қовун, 400 тоннадан ортиқ тарвуз, 200 тонна ошқовоқ ва 100 тоннадан зиёд мева-сабзавотлар билан иштирок этди.

Фестиваль якунида энг фаол иштирок этган ҳудудлар, туманлар, ташкилотлар ва фермерлар эътироф этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти ҳудудлар орасидаги танловда биринчи ўринни эгаллаб, «Damas» автомобили билан тақдирланди. Иккинчи ўринни Бухоро, учинчи погонани Тошкент вилояти эгаллади. Хоразм вилояти шаҳар-туманлари орасида Урганч шаҳри биринчи-

ликни кўлга киритди. Бош соврин – Гран-при Янгибозор туманига насиб этди.

– Туманимиздаги 300 гектар майдонда қовуннинг 100 га яқин тури етиштирилмоқда, шу боис ҳам, ушбу маҳсулот экспортида етакчилардан биримиз, – дейди Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор тумани кенгаши раиси Рейимбой Шержонов.

Шуни ҳам айтиш керакки, фестивал кўпчиликка қовунч бағишлаб, айримларнинг эътирозига ҳам сабаб бўлди. Кундуз кунлари ҳаво иссиқлиги туфайли меҳмонлар кам бўганини ойнаи жаҳондаги лавҳалардан ҳам кўриш мумкин. Кечкурунлари эса биринчи ва учинчи кунлари (очирилиш ёпилиш маросимлари баҳонасида) кўпчилик бу тадбирларда иштирок эта олмади. Ушбу фестивални Хива ва Урганчда бир неча жойда мониторинг орқали кузатиш имкони яратилгани ҳам эътирофга лойиқ. Бироқ мониторинг тадбир завқини тўлиқ ҳис қилишга ёрдам беролмади.

Хоразмнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, фестивал август ойининг охирида ўтказилса, уч кун эмас, тўрт-беш кун давом этса, чиндан-да юз минглаб инсон қатнашган бўларди. Кўпчилик биздан ушбу павильонлардан кейин ҳам фойдаланиладими ёки шунча меҳнат ва маблағ маҳсуллари тадбирдан кейин бўзиб ташланадими, деб сўрашди. Балки Хивада қовун бозори ташкил қилишар...

Яна бир гап. Бу йил қовун ва тарвуз кўп етиштирилгани оқибатида, қанчадан-қанча деҳқонларимиз ҳосилни сотолмай сарсон бўлмоқда, зарар кўрмоқда. Фестивалда УрДУ жамоаси 175 турдаги маҳсулот намоиш қилганини инобатга олсак, қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ушбу лойиҳаларни амалга татиқ қилиш чораларини кўрса, тажрибалар оммалаштирилса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини

етиштириш режалаштирилиб, аҳолига тавсиялар бериб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, полиз маҳсулотларини етиштиришда кимёвий ўғитлардан кўп фойдаланиш оқибатида, заҳарланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Фестиваль давомида ушбу масалалар ва умуман соҳадаги муаммолар ҳам муҳокама қилинганида, самарали бўлармиди?..

Умид қиламизки, халқнинг миллиардлаб маблағи сарфланган фестивал ўзини оқлайди, полизчилик ва туризм ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Мухаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»



◆ Мулоҳаза

◆ Орамиздаги одамлар

размлик 60 ёшлардан ошган онахонни суҳбатга тортаман.

– Замира ая, шу турни сотиб олаётганингизда, саёҳатнинг узоклиги ҳақида сизни огоҳлантиришганми?

– Йўқ, қизим. Бунчалик бўлишини билсам, бу турни олмайдим. Энди қарилик, узок йўлга ярамайсан. Бел, оёқлар оғрийди. Бизларга бир жойда дам олиш маъқул эди.

Памуққалъада икки кечаю икки кундуз маъданга бой сувларда чўмилиб, оқ мрамардек оппоқ тоғларни томоша қилиб, Каппадокияга йўл олдик. Саккиз соатлик йўл босиб, ҳаво шарлари билан машҳур манзилга кириб бордик. Шаҳарнинг салқин ҳавоси жонимизга оро кирди. Режага биноан, сахар чоғи соат 4 да ҳаво шарлари учуриладиган жойга йўл олдик. Каппадокияда яна бир кеча қолиб, тонг сахарда Истанбулга отландик.

Олдиндан йўл олислиги ҳақида огоҳлантиришди. Ёзининг иссиқ куллари. Кун пешинга яқин оловдек ёндиради. Автобуснинг ҳам ахvoli ҳаминқадар. Ўриндиқлар қаттиқ, совитиш мосламаси ҳам чала-ярим ишлайди.

Сайёҳлар норози бўлиб, гид ва ҳайдовчига ўз эътирозларини билдиришди. Сабр қосаси тўлган айрим сайёҳлар сан-манга боришди.

– Нимага кондиционерни пастлатасиз? Ёқилгани тежасизми? – овозини баралла қўйиб бақиради 40 ёшлардаги йигит.

– Ёкмаса тушиб қолавиринг, – дейди ҳайдовчи пинагини бузмай.

– Тушиб кетаман, майли, турпакетнинг пулини қайтариб беринг унда, – ўдағайлайди йигит.

Автобуста кимдир ҳайдовчининг, кимдир йигитнинг ёнини олди. Нима бўлганда ҳам, автобус анча салқинлашиб қолди.

Каппадокиядан Истанбулгача 735 километрлик машаққатли йўл ёшу қарини бирдек толиқтирди. Йўл узоклигидан маълум жойларда тўхтаб-тўхтаб, 15-16 соат деганда Истанбулга етиб келдик. Турда белгиланган шаҳарлар бўйлаб босиб ўтилган жами масофа 2473,3 км.ни ташкил этди.

Ўринли савол туғилади: Каппадокиядан Истанбулгача бўлган узок сафарни самолётда амалга оширса бўлмасиди? Нега бунда Туркиянинг маҳаллий ҳаво йўлларида ёки поездидан фойдаланилади? Каппадокиядан Истанбулгача поездлар нархи 15 доллардан 23 долларгача бўлса, самолёт 47 доллардан 200 долларгача баҳоланар экан. Ҳа, турпакет нархи ошиши мумкин. Бироқ инсон қадри пулдан устун эмас-ку?

Жорий йилнинг 5 ойи ичида қарийб 2,2 миллион нафар ўзбекистонлик хорижга чиққан. Саёҳатлар ўтган йилгига нисбатан 35,5 фоизга ошган. Туркияга жорий йилда 63,9 минг нафар юртдошимиз сафар қилган.

Дунё бўйлаб сайру саёҳат қилиш мароқли. Лекин турагентлар саёҳатни том маънода ёқимли қилишга ҳаракат қилиши керак. Яъни, турпакетларни қайта қўриб чиқиш, сайёҳлар учун қулайликлар яратиш, уларнинг ёшини ва соғлиғини ҳисобга олиш ва тур борасида тўлиқ хабардорлиқни таъминлаш зарур. Бу талаблар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сонли қарориди белгилаб қўйилган. Қарор амалиётда қўлланиши учун эса турагент ва туроператорларнинг ўз ишига масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари қўрилиши керак, назаримизда.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

БИР ҚИШЛОҚ УЙ ҚУРГАН УСТАЛАР



Хатирчида қурувчиликда Тоғаевларнинг олдига тушадигани йўқ. Улар халқ тилида чўпак уй деб аталувчи уйларнинг қурилиш услубини ҳам яхши билишади.

65 ёшли Бахриддин ота Тоғаев билан суҳбатлашар эканман, у кишининг қайратидан, иссиқ-совуққа ғайратидан ҳайратландим.

Бахриддин отанинг 4 нафар фарзанди бор, деярли ҳаммасини ўқитган. Бугун энг кичик ўғли билан чўпак уйни тикка қилишга киришган.

– Ёғочдан уй кўтариш оғир, кўп вақт кетади, ўзига яраша техникаси бор, – дейди Бахриддин ота. – Охириги 10-15 йил ичида бундай уй қурадиганлар камайиб кетди. Сабаби, ёғоч материаллар қиммат, қурилиш услуби қийин. Материал ҳам кўп кетади. Чўпак уй ғиштли уйдан чидамлироқ. Ўғлим давлат ишида ишласа ҳам, таътил пайтида ўзим билан олиб чиқдим. У олдин оддий уйлар қурилишида қатнашган, аммо бу сафар биринчи марта ёғоч уй кўтаришни ўрганапти.

Суҳбатга қўшилган 63 ёшли Равшан отанинг айтишича, улар ҳар қандай янгиликка тайёр. Яъни уй қурилишига оид янгиликларни, янги техникани ака-укалар 45 йилдан буён биринчилардан бўлиб ўзлаштира экан. Чунки соҳа тажриба, янгилик ва ўз устида ишлашни талаб қилади.

Ака-ука усталар шу кунгача 20 дан ортиқ шогирд таёрлашган. 45 йил ичида Хатирчида қурилган уйларнинг аксарияти ё ўзлари ё шогирдлари томонидан тикка қилинган.

«Бир йигитга қирқ хунар оз» деганларидек, ака-укалар эгар ясаш ва чавандозлик билан ҳам шуғулланиб туришади. Ўзларини кекса деб ҳисобламайдиган усталар ҳали яна узок йиллар иморатлар қуришни ният қилиб юришибди. Уларнинг энг катта орзуси фарзандлар бахт-камоллини кўриш ва уй қуришдан тўхтаб қолмаслик.

Эъзоза УМУРЗОҚОВА
«ISHONCH»
Муаллиф олган сурат.

лат турагентликлари ўзаро келишиб ишлагани боис ўзбекистонлик сайёҳларни аэропортда ҳеч ким кутиб олмади. Гуруҳ ҳар жойда алоҳида-алоҳида Туркиядаги фирма ходимларини кутган. Ўзбекистондаги турагент вакиллари сайёҳларни аэропортнинг нечанчи йўлакчасидан чиқиш ҳақида ҳам огоҳлантирмаган. Майдони гектарларга чўзилиб кетган халқаро аэропортда довдираб турган сайёҳларни бир соатлардан кейин топган гид (экспурсия етакчиси) «Самолётнинг қўниш вақти ўзгарганидан хабарсиз қолибмиз», дея ўзини оқлаб қўя қолди.

7 кечаю 8 кунлик экскурсия йўлланмасида Истанбул, Бурса, Конья, Каппадокия, Памуққалъанинг аҳамиятга молик жойларига бориш режалаштирилган. Умумий майдони 784 минг квадрат километрга яқин Туркиянинг тарихий шаҳарлари орасидаги масофа 100 км.дан кам эмас. Масалан, Истанбулдан Бурсагача 152,5 км. бўлса, Бурсадан Коньягача 500 км., Коньядан Памуққалъагача 450 км., Памуққалъадан Каппадокиягача эса 615,6 километрлик йўл.

Автобуса чиққач, бир hafta менга ҳамнафас бўлгучи шерикларимга юзланаман. Ёш жуфтликлар билан бирга 40-50 ёшлилар ҳам, 70 ёшни қоралаган бобо-момолар ҳам анчагина. 2-10 ёшлар атрофидаги болалар ҳам ота-онасига эргашишган. Туропера-

тор сайёҳларнинг на ёши, на соғлиғини ҳисобга олган. Аслида... турагент буюртмачига тур тўғрисида зарур ва ишончли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиши, жумладан, сайёҳнинг саёҳатга монелик қилиши мумкин бўлган касалликлари, жисмоний ҳолати ва ёшига хос хусусиятлари, божхона ва чегара қоидалари, кириш ва чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун асосий талаблар, бормоқчи бўлган мамлакатининг миллий ва диний хусусиятлари борасида батафсил хабар бериши керак эди.

Уч яшар ўғлини эркалаётган аёлни суҳбатга тортаман:

– Адибахон, ёш бола билан қийналма-лписми?

– Ёш боланинг инжиқлиги кўп. Бу сафарда билинапти. Бир чанқайди, бир қорни очикади. Чидаялмиз-да.

– Тур ҳақида тўлиқ маълумот беришмаганмиди?

– Йўқ, огоҳлантиришмади. Биз ҳам 4-5 та шаҳарга борарканмиз, дея хурсанд бўлиб, яхши суриштирмабмиз, – дейди суҳбатдошим жиймайиб.

Туркиянинг бир-биридан гўзал ва жозибдор шаҳару қадамжоларини зиёрат қиларканмиз, саёҳат давомида 4 та меҳмонхонада кўнин топдик. Режага кўра, Бурса шаҳрида бир кун қолдик. Йўл чарчоғи чиқмай, тонгда яна йўлга отландик. Саккиз соатлик йўлдан сўнг, қоқ пешинда Конья шаҳрига етиб келдик. Қадимий шаҳарнинг жозибаси, ҳазрат Мавлоно Румийнинг зиёрати бизга кўтаринкилик бахш этиб, чарчоқлар тарқагандек бўлди. Апил-тапил тушлик қилганча, яна автобусага ўтирдик. Арчазорга тўла гўзал тоғлар, зайтун адирлари ортда қолиб, Памуққалъага шомга яқин етиб келдик.

Сафар кўпчиликни толиқтирди. Хо-

Муносабат

Фаолият



«Париж – 2024» ёзги Олимпиада ўйинлари кўп жиҳатлари билан ёдда қоладиган бўлди. Мазкур йирик спорт мусобақасига кўрилган тайёргарлик юқори даражада эмаслиги, делегациялар учун яратилган шароитлар қоникарсизлиги, кўчаларнинг тозаллигига ҳавас қилиб бўлмаслиги, спортчиларнинг шахсий буюмлари ўғирланиши каби ҳолатлар ҳақида кўплаб муносабатлар билдирилди. Ижтимоий тармоқларда кўплаб фото ва видеолар берилди.

Мамлакатимиз делегациясининг шу пайтгача энг яхши натижаси «Рио – 2016»да бўлиб, унда 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медаль кўлга киритилган эди. «Париж – 2024»да тарихий натижа қайд этилиб, Ўзбекистон 208 та мамлакат орасида 13 та медаль билан 13-ўринни эгаллади.

Саккизта олтин медални кўлга киритган Ўзбекистон Олимпиада ўйинларида МДХ, Марказий Осиё, туркий ва мусулмон давлатлари орасида энг яхши натижани қайд этди. Бу тарихий натижа давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида кўлга киритилгани муҳим воқеалик бўлди.

Шуни айтиш зарурки, юқсак уюштуруш кўлга киритган спортчиларни муқофотлаш орқали ёш авлоднинг спортга бўлган иштиёқи ва қизиқиши кескин ошади. Мамлакатда соғлом турмуш тарзига риоя қилувчилар сафи кенгайди. Бунинг қийматини миллиардлаб доллар билан ҳам ўлчаб бўлмайди. Спортчиларга кўрсатилаётган эътибор ёшларда ўзига ишонч руҳини оширишга, уларни баркамол инсон сифатида ҳаётга тайёрлашга хизмат қилади. Ёшлар чемпионларга ҳавас қилиб, улардек бўлишга интилади. Уларда ҳаётга нисбатан қараш ўзгаради, аниқ мақсад сари интилиш шаклланади. Юртимиздан келажакда янада кўплаб чемпионлар етишиб чиқади. Бундай мақсад ва иштиёқ учун ҳар қанча рағбат кўрсатилса арзийди.

Ҳавас деганимизга, шу кунларда қизил бўлган кўплаб юртдошларимиз қизалоқларига Диёра деб исм бераётган экан. Бу Олимпиада чемпиони Диёра Келдиёрова мисолида спортчиларимизга кўрсатилаётган эътибор маъсулидир.

МАЪЛУМОТГА КўРА, ДИЁРА КЕЛДИЁРОВА 28 ИЮЛЬ КУНИ ТОШКЕНТ ВАКТИ БИЛАН 21:46 ДА ҒАЛАБА ҚОЗОНГАН. 29 ИЮЛЬ ВА 12 АВГУСТ КУНЛАРИ ОРАЛИҒИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАМИ 43 450 НАФАР ЧАҚАЛОҚ, ШУНДАН 20 861 НАФАР КИЗИНИНГ ТУҒИЛИШИ ҚАЙД ЭТИЛГАН БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 466 НАФАРИГА ДИЁРА ИСМИ ҚўЙЛГАН.

Париждаги Олимпиаданинг расмий ижтимоий медиа каналлари биринчи ҳафтанинг ўзига 8,5 миллиардан ортиқ томошабин йиғди. Ҳар бир ОАВ ва ижтимоий тармоқларда олимпия ўйинларининг намоиши этилиши, ватанимиз спортчиларининг зафарли юришлари, юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, чемпионлар шарафига мадҳиямиз янграши бутун дунё эътиборини Ўзбекистонга қаратди. Ўз навбатида, бу мамлакатимизни қашф этишга бўлган қизиқишнинг ортишига хизмат қилади. Айниқса, рақиб спортчиларнинг ватандошлари ва давлатлари эътиборини қозонамиз.

Дунёга машҳур телеканалларда бир сониялик лавҳанинг нархи қанчалар қimmat туришини кўпчилик яхши билишади. Чемпионларимиз эса Ўзбекистон деган ном такрор ва такрор янграшини қайд этган натижалари билан буни текинга уйдлашди. Масалан, Диёранинг ғалабасига оид роликлар 10 миллион мартадан ошиб кўрилган.

Ҳўп, энди ижтимоий тармоқларда чемпионларга берилган муқофот пулига мактаб қурилса бўларди, деган фикрларга тўхталсак. Тўғри, жуда асосли гап. Лекин мактаб фақат моддий тушунчани?

Эсингизда бўлса, Ўзбекистон делегацияси 1996 йили Атлантада ўтказилган Олимпиадада ўз иштирокини бошлаб, унда 1 та кумуш ва 1 та бронза медали билан қиёёланган эди.

2000 йилда Сиднейда бўлиб ўтган Олимпиадада боксчимиз Мухаммадқодир Абдуллаев Ўзбекистонга тарихий илк олтин медални тақдим этгани жуда катта воқеалик бўлган. Бу улкан муваффақият мамлакатимизда ёшлар ўртасида боксга бўлган қизиқишнинг

кескин ошишига, спорт билан шуғулланувчилар сафининг кенгайишига туртки берганди. Мухаммадқодир чинакам ўзбек қаҳрамонига, ёшларнинг идеалига айланганди. Ҳар бир бола унга ҳавас қиларди.

Ёки Нигина Абдураимова, Ирода Тўлаганова, Сабина Шарипова ва Окгул Омонмуродова каби теннисчи қизларимиз сабаб юртимизда теннис билан шуғулланиш оммалашгани ҳам кечагидек ёдимизда.

Рустам Қосимжонов муваффақияти ҳам қанчадан-қанча шахмат чемпионларимиз етишиб чиқишига туртки бўлганини кўриб туримиз.

Бу мисоллар билан мактаб нафақат бинодан иборат эмаслигини, у кенг миқёсдаги ҳаракат шаклида ҳам бўла олишини айтмоқчиман.

ИККИ КАРРА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИМIZ БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ ВА БОШҚА БОКСЧИЛАРИМИЗ ХАМ ЎЗ МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚўЙГАНИ ЭСА ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА МУХАММАДҚОДИР, БАҲОДИР ВА ХАСАНБОЙДЕК ЮЗЛАБ БОКСЧИЛАР, ДИЁРАДЕК КУРАШЧИ КИЗЛАРИМИЗ ЕТИШИБ ЧИҚИШИГА, ЁШ АВЛОДНИНГ МАРД, ЖАСУР ВА ОРИЯТЛИ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Юртимизда фан ва таълимга ҳам катта эътибор берилмоқда. Биргина кўплаб илмий тадқиқот институтлари тугатилиб, ночор аҳволга келиб қолган Ўзбекистон Фанлар академиясининг барча институтлари тўлиқ тикланиб, уларнинг самарали фаолият юритиш учун зарур шароитлар яратилди. Моддий-техник базаси такомиллаштирилди. Тўхтаб қолган академик сайловлар тикланди.

Мамлакатимизда фан олимпиадалари совриндорларини олий таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзлар яратилган. Халқаро фан олимпиадалари совриндори бўлган ёшларимиз моддий ва маънавий кўллаб-қувватланмоқда.

Лекин шу ўринда бир нарсасга эътибор қаратиш ҳам ўринли бўларди. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари таърибасига назар ташлайлик, футбол бўйича топ чемпионатларда футболчилар қанчалик катта маош олишади? Ёки профессионал боксдаги йирик жангларга қанча гонорар тикилади? Буларнинг барида спортчи ўз соғлигини гаровга қўйиб, майдонга тушади. Хатарнинг жиддийлиги, катталиги курашга тикиладиган ҳақнинг ҳам салмоғига таъсир кўрсатади.

Энг ёрқин футболчилар фаолияти ҳам санокли йилларни ташкил этади.

Ҳар бир жангга қиршайётган спортчи ва унинг мураббийи катта босим ва ҳаяжонни ўзидан ўтказишади. Мағлубиятлар қаттиқ руҳий босимни юзага келтиради, ўзига бўлган ишончнинг пасайишига сабаб бўлади. Лекин ҳам руҳан, ҳам жисмонан бардам спортчигина мағлубият ва қийинчиликларни енгиб ўтишда ўзида куч топа олади. Мураббийлик эса ундан-дан машаққатли. Бунинг Париж Олимпиадасида бокс бўйича жамоамиз мураббийи Тўлқин Қиличев билан юз берган ҳолат мисолида ҳам кўриқ.

Бу жараёنларнинг соғлом шаклда енгишда уларга руҳий мадад, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиши шарт.

Спорт – тинчлик элчиси, дейилади. Париж Олимпиадаси кўлга киритилган медаллардан ташқари, баҳоси ҳеч бир моддий бойлик билан ўлчанмайдиган яхшиликларни тақдим этди. Эзгулик, дўстлик туйғулари кенг ёйилишига хизмат қилди.

Айниқса, ўзбекистонлик мураббийнинг қирғиз боксчига секундантлик қилгани, ўзбек ва қозоқ спортчиларининг ўзаро дўстона муносабатларидан лавҳалар ва бу воқеаларга билдирилган муносабатлар халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Қирғизистонлик сиёсий таҳлилчи Султон Қаназа-ровнинг «Ўзбекистон ғалабалари бутун минтақаникидир» номли муносабати кенг жамоатчилик эътиборини тортди, ижтимоий тармоқлар «Ахиллигимиз абадий бўлсин!» деган истакларга тўлди.

Мусобақа якунига қадар ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман барча бир-бирини кўллаб-қувватлади. Марказий Осиё халқларини янада бирлаштирган, бирдамлигини мустаҳкамлаган Париж Олимпиадаси чинакам дўстлик элчиси вазифасини бажарди. Бу улғу неъмат, бу натижа ҳар қандай ютукдан ҳам қимматли ва азиздир. Биз ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, яқинлиқни яқиндан ҳис этдик.

Халқаро олимпиадалар тарихига назар ташласак, мамлакатимиз эришилган натижалар билан ҳаттоки, кучли ўттизталикка ҳам қирмаган. Бу йилги олимпиадада мамлакатимиз шарафини 86 нафар спортчи ҳимоя қилди. Бу эса, олимпиадага йўлланма берувчи халқаро мусобақаларда рақобатбардошлигимиз ортиб, салоҳиятли спортчиларимиз сафи кенгайиб бораётганидан далолатдир. Буларнинг барида спортга кўрсатилаётган эътибор ва спортчиларимиз эришган натижаларнинг рағбати самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг олтин медални кўлга киритган ҳар бир спортчимиз билан телефон орқали боғланиб, табриклиши барча юртдошларимизга гурур бағишлаши борабариди, спортчиларимизга гурур мадад ва иштиёқ бахш этди. Бор меҳр ва ишонч билан муҳлислик қилаётган халқ, Президентини хурсанд қилиш, кўрсатилган ғамхўрлик ва билдирилган ишончни оқлаш учун янада фаол бўлишга илҳомлантирди.

Не-не номдор давлатларга бир донга бўлса ҳам олтин медаль олиш насиб этмади. Улар ана шу биргина олтин медаль учун бизнинг саккиз нафар чемпиони-мизга тўланган пулни беришга ҳам рози.

Аслида Олимпиада шунчаки бир мусобақа эмас, у мамлакатлар учун ҳам ҳар тўрт йилда бир ўтказиладиган имтиҳондир. Бу учун ҳар бир давлат йиллар давомида тайёргарлик кўради, спорт учун моддий ресурс тикади. Қилинган меҳнат ва ҳаракатларнинг натижаси ҳам кўнглидагидек бўлиши учун ҳосилни йиғиш палласи, яъни мусобақа жараёнида ҳам ўз иштирокчиларини кўллаб-қувватлашга уринади. Минг шукрки, юртимизда сўнгги йилларда спортга кўрсатилаётган эътибор Париж Олимпиадасида ўз самарасини берди.

БҲТҮН ЮКСАК НАТИЖАЛАРИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ЮКСАК КўТАРИЛИШИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ МАДҲИЯСИ ЯНГРАШИГА САБАБ БЎЛГАН ЧЕМПИОНЛАРИМИЗГА, ШУ СПОРТ МУСОБАҚАСИДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН АСТОЙДИЛ КУРАШГАН БАРЧА СПОРТЧИЛАРИМИЗГА МИННАТДОРЛИК БИЛДИРСАК АРЗИЙДИ.

Дунёнинг энг номдор жамоалари орасида муносиб натижаларни қайд этган спортчиларимиз сизу бизнинг яқинларимиз. Яъни Ўзбекистон деган ягона, аҳил оиланинг аъзолари. Чемпионларимиз сабаб бутун юртимизда байрам бор экан, уни аҳиллик билан юқори қайфиятда ўтказаверамиз.

Донолар айтадики, ҳасад қилиш – омадсизлар иши. Ички муҳитни бузишга, нифоқ солишга қаратилган, ғайир ва ҳасадга етаклайдиган ғояларга алданмайлик. Ҳамиша ҳавас билан, яхши кунларда бир-биримизни қўтлаб юриш бахтидан баҳра олиб яшайлик. Тинчлигимизга, аҳиллигимизга кўз тегмасин. Ғалабаларимиз бардавом бўлсин!

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
журналист

Жиззах вилояти
автомобиль йўллари бош бошқармаси қошида тузилган фахрийлар жамоатчилиги кенгаши тизимдаги корхоналар маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси меҳнат фахрийлари соғлигини мустаҳкамлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Кексалар билан ишлашни тизимли йўлга қўйиш учун бошқарма бошқаруви, касба уюшма кўмитаси ва фахрийлар жамоатчилиги кенгаши ўртасида уч томонлама «Келишув битими» тузилган.

– Ушбу битимга мувофиқ, 2023 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида бошқарма таърибидидаги корхоналарнинг пенсияга чиққан 10 нафар ходими моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди, – дейди вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси касба уюшма кўмитаси раиси Бектемир Худойбердиев. – Ишламайдиган пенсионерлардан 80 нафарига ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парварishiга муҳтож 27 нафар кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Ёшларнинг маънавий мустаҳкам бўлиб етишишида катта таърибга эга фахрийларнинг ҳаёт йўллари ўзига хос мактабдир. Шу боис байрамлар арафасида ёшлар ва меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш аънаъга айланган.

Мутахассислиги бўйича катта таърибга эга бўлган нурунийларга маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланишда кўникма керак, албатта. Бу ҳақда вилоят йўл ҳўжалиги корхона, ташкилот ва муассасаларининг фахрийлар кенгашлари фаоллари, касба уюшма кўмиталари раислари, кадрлар бўлими бошликлари иштирокида ташкил этилган «Кекса авлод вақилларининг жамиятидаги ўрни ва ижтимоий фаолигини янада ошириш чора-тадбирлари» мавзусидаги ўқув-семинарда баътафсил тушунчалар берилди.

Фахрийлар кенгашларининг тузилиши нафақат уларни кўллаб-қувватлашда, балки касба уюшма кўмиталари фаоллигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Эндиликда фахрийлар кенгашида муҳокама қилинаётган долзарб масалаларни касба уюшмаларига тақдим этишмоқда ва ечимни юзасидан тақлифлар билдиришмоқда. Бу ҳамкорлик, албатта, самара беради.

Муқимбой
ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Эълонлар

Тошкент вилояти, Қўйчирик туманидаги «DISALO» масъулияти чекланган жамиятининг думалок муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Струфопуло Костант Дмитриевич номига 2000 йил 23 февралда берилган хондонга эгаллик ҳуқуқини берувчи 13-05/169-сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Янгийўл шахридаги Яққа тартибдаги тадбиркор «NURIDDINOV SAITKARIM ABDUMALIKOVICH» номига берилган думалок муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси биринчи вице-президенти Равшан Эрматовга отаси **Сайфиддин ЭРМАТОВ** вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

МУАССИСА:

Ўзбекистон kasaba uyushmalari Federatsiyasi

TSSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqm bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PHIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Abdurahmonov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 19:00
Topshirildi – 19:20

Bahosi kishilashgan narxda

Manzili: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 34 226 ta

Shundan:

7 150 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 677 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 399 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Buyurtma G-811

1 2 3 4 5 6